Методик қўлланма

Олий таълимда ўқитувчилар юкламасини ҳисоблашнинг хорижий тажрибаси





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТУВЧИЛАР ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 378.146(072)(075)
КБК: 74.58я7
З – 39
Зарипов, Лочин
Олий таълимда ўқитувчилар юкламасини ҳисоблашнинг хорижий тажрибаси. Матн. Методик қўлланма / Л.Зарипов, Н.Хайитов, М.Тухтаева, З.Тоҳиров. — Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024. — 32 б.

ISBN 978-9910-9622-9-5

Мазкур методик қўлланмада олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашнинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланган ўқитувчилар юкламаси, уни ҳисоблаш ва тақсимлаш методлари ҳамда унинг таълим самарадорлигига таъсири ёритилган. Хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларининг ўқитувчилар юкламасини ҳисоблаш методлари ҳамда улардаги ҳолат ҳам таҳлил қилинган.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.146(072)(075)
КБК: 74.58я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9622-9-5

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Бугун ҳар бир соҳада ривожланиш ва ўзгаришлар жадал суръатларда содир бўлмоқда. Бундай ҳолатда ҳар бир соҳа олдида янги билимларни ўрганиш ва амалга жорий қилиш каби муҳим вазифалар туриши табиий. Шундай экан, ҳар бир соҳа мутахассислари дунёдаги мавжуд ўзгаришларни ўрганиб, хориж тажрибасини тадқиқ қилган ҳолда, зарур хулосаларни чиқариши ҳамда ўз соҳасининг ривожи учун уларни амалиётга жорий қилиш чораларини кўриши лозим. Бундай ҳолат юртимиз олий таълим тизимига ҳам тааллуқли ҳисобланади. Эндиликда давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга жавоб берувчи, замон билан ҳамнафас, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган кадрларни етиштириш масаласи барча турдаги ресурслар тақсимоти қарорларини мустақил чиқарувчи олий таълим муассасаларининг бошқаруви билан тўқнаш келмоқда. Олийгоҳлар ўз нуфузини ҳимоя қилиш ва рейтингини кўтариш билан бир қаторда, молиявий ҳолатини доимий такомиллаштириб бориш масаласини ўз назоратидан четда қолдирмайди.

Шундан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг юкламасини белгилаш олий таълимдаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки олий таълим муассасаси билим берувчи даргоҳ бўлиб, у ерда фаолият олиб борадиган профессор-ўқитувчиларга белгиланадиган ўқув юкламанинг ҳажми уларнинг фаолиятига ва якунда таълим сифатига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ушбу жараённи мукаммал ишлаб чиқиш ва профессор-ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган барча ишларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Шунингдек, юклама тақсимоти молиявий мустақилликка эришган олийгоҳларда муассаса ялпи харажатларининг бир қисмини ташкил қилувчи иш ҳаққини ҳисоблаш мезонигина эмас, балки таълим сифатини юқори даражада сақлаш омили ҳамдир. Боғлиқлик моҳияти янада тушунарли бўлиши учун АҚШнинг Толедо университетининг (2023 йилги THE рейтингида 601-800-ўринлар) 2013 йилги молиявий вазиятни яхшилашда тутган йўлини мисол қиламиз. Молиявий муаммоларни қаршилаган университет харажатларни қисқартиришда ўқитувчи ходимлар сонини камайтиришни ечим деб топади. Бу қарор якунда аудиторияда талабалар сонининг кўпайиши, ўқитувчилар юклама ва масъулиятларининг ортиши, таълим сифатининг тушиши ҳамда талабалар норозиликларининг вужудга келишига олиб келади. Натижада, университет харажатларини такомиллаштиришнинг бошқа йўлини қўллашга ҳамда ўқитувчилар сонини кўпайтиришга мажбур бўлади.



Маълумки, инсон ресурсларини бошқаришда ҳар бир ходимнинг ишчи кучи имкониятлари, ишлаш самарадорлиги ва албатта, унинг маънавий ҳордиқ чиқариш эҳтиёжларини инобатга олиш муҳим. Ходим фаолиятидаги самарадорлик ҳамда унинг иш (таълим ва тарбия бериш) сифати бевосита унга белгиланган вазифалар ва бу вазифаларни бажариш учун талаб қилинувчи вақт нисбатининг мутаносиблиги билан алоқадор. Демак, ўқитувчи юкламасини ҳисоблашда шаффофлик ва аниқликни таъминлаш орқали ўқитувчи ресурсидан самарали фойдаланиш ва бу билан сифатли таълим жараёнининг асосий таъсир кучини тўғри йўналтиришга эришилади. Юкламанинг оғир бўлиши ўқитувчининг иш фаолияти, ҳаёт тарзи, жисмоний ва психологик соғлигига салбий таъсир кўрсатиб, охир-оқибат фаолият сифатининг тушиши ёки иш қўнимсизлигининг ошишига олиб келади. Юкламанинг самарали тақсимланиши ҳар томонлама таълим жараёнига ижобий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам, ушбу ҳолат бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда унинг самарали тақсимланишига эришиш зарур ҳисобланади.

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ МЕЪЁРИЙ НОРМАЛАРИ

Мамлакатимизда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини ҳисоблашда инобатга олиниши зарур бўлган жиҳатлар 2018 йилда қабул қилинган Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш тўғрисида”ги буйруғида белгилаб берилган. Ҳужжатда белгиланган қоидаларга биноан профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини ҳисоблашда қатор омиллар инобатга олинади. Қуйида ушбу ҳужжатда келтирилган ва ҳозирда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган юкламани ҳисоблаш борасидаги ёндашув ва тартиблари ҳақида сўз боради.

Юртимиздаги олий таълим ташкилотларида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилган. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириш киритиш мумкинлиги белгилаб ўтилган. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилган.

Шунингдек, амалий ёки семинар машғулотларда талабалар сони кўпи билан 25 нафар, маъруза машғулотларида эса талабалар сони 100 нафардан ошмайдиган бирлашган академик гуруҳларга ўтилиши белгиланган. Нормага кўра, юртимизда ўқитувчи ойлик маоши ўқув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажмига боғлиқ эмас. Бундан ташқари, юклама ҳажми штат бирликлари сонини белгилашда асос бўлиб хизмат қилмайди, балки штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади. Ҳужжатда белгиланадики, маъруза дарсларида талабаларининг максимал сони 100 нафардан ошмаслиги лозим. Гарчи тартиб бўйича катта академик гуруҳдаги талабалар нормаси белгиланган бўлса-да, мустақил олий таълим муассасаларида маъруза дарсларини ўртача 30 нафар талабага ўтишдан кейинчалик бутунлай воз кечиш тенденцияси кузатилиши эҳтимолдан холи эмас. Қозоғистондаги Х.Досмуҳамедов номидаги Атирау нефть ва газ университетида маъруза

дарсларида талабаларнинг сони 50 нафардан ошмаслиги белгиланган. Бу ҳолат масофавий дарсларда тубдан фарқ қилиб, онлайн маърузалардаги талабаларнинг сони 50<T<180 оралиғида бўлиши талаб қилинади. Европа тажрибасига эътибор қаратсак, кўп сонли академик гуруҳларга (потоклар) маъруза ўқилганда худди шу маъруза мавзуси кичик гуруҳлар (recitation class) учун ҳам такрорланади.

Курс иши ҳамда курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш мос равишда ҳар бир талаба сонига 2 ва 3 соатни ташкил қилади. Бир профессор-ўқитувчи 1 ўқув йили учун кўпи билан 50 нафар талабанинг курс иши (лойиҳаси)ни назорат қилиши мумкин. Маъруза **дарсининг тури** ҳам юкламанинг ўзгаришига таъсир қилади. Хусусан, 1 академик соат очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун 1 ўқув йилида кўпи билан 30 соат ажратилади.

Илмий раҳбарлик қилиш профессор-ўқитувчиларнинг ўз тажрибалари билан ёш изланувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш имконини бериб, бевосита уларнинг ўқув юкламаларини ташкил этувчи компонентлардан бири ҳисобланади. Магистратура ҳамда бакалавриат босқичи талабаларини ўқитиш ҳамда уларга раҳбарлик қилиш ўқитувчи учун бирдек машаққатли бўлишига қарамай, улардан фарқланувчи илмий даража ҳамда тажрибани талаб этади. Шу сабабли мамлакатимизда бу икки босқичдаги талабаларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиш учун тақсимланган вақт соатларигина эмас, балки бир ўқитувчи раҳбарлик қилиши мумкин деб белгиланган талабаларнинг сони ҳам ҳужжатда келтирилган. Хусусан, бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилганлиги, хулосалар ёзганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.

Магистратура талабасининг магистрлик диссертациясини ёзишида раҳбарлик қилиши профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва мутахассис 4 нафаргача клиник ординаторнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин.

Вақт тақсимотига келсак, магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилишга бир ўқув йилига 1 нафар талаба учун ўқитувчига 50 соат, бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзишга бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун 25 соат, техник йўналишларда ҳар бир талаба учун 30 соат ажратилиши белгиланган. Бундан ташқари, раҳбарлик қилиш мумкин



бўлган талабаларнинг сони ўқитувчининг илмий даражаси ҳамда унвонига қараб ҳам фарқланади.

Баҳолаш таълимдаги энг масъулиятли жараёнлардан биридир. Талабалар билимини баҳолашда ўқитувчи аниқлик, асослилик, адолатлилик ва объективлик тамойилларига таяниши зарур. Хориж мамлакатларида баҳолаш методларининг дифференциацияси тўлиқ ёки қисман автоматлашуви юкламанинг ўзгаришига таъсир омили сифатида қаралади. Мамлакатимиздаги олий таълим ташкилотларида оралиқ ва якуний баҳолашларни ўтказиш вазифаларини бажариш учун ўқитувчилар фан бўйича оралиқ баҳолашларда жами ҳар бир талаба учун — 0,2 соат; якуний баҳолашда ҳар бир талаба учун — 0,3 соат вақтга эга бўладилар. Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилишда битта топшириқ учун — 0,3 соат, бироқ битта фанга кўпи билан — 1 соат белгиланган.

Тиббиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлашда профессор-ўқитувчиларнинг юкламалари бошқа соҳаларга ўқитиш мезонларидан кескин фарқланади. Бу тенденцияни хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам кузатиш мумкин.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТУВЧИЛАР ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ

Таълим соҳасини ислоҳ қилишда аҳамият қаратилиши муҳим бўлган мавзулардан бири ўқитувчилар ўқув юкламаларини ҳисоблашдаги вазифаларга ажратилган вақт меъёрлари бўлса, иккинчиси юкламани ҳисоблашда инобатга олиниши керак бўлган юклама компонентларидир. Янги таълим шаклларининг вужудга келиши билан биргаликда юкламага таъсир қилувчи омилларни чуқурроқ ўрганишга зарурат пайдо бўлмоқда. Дарсларнинг масофавий шаклда ташкил этилиши ўқитувчи учун қулайликми ёки қўшимча юкламами? Масофавий дарсларда таълим жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда ўқитувчи учун тайёрланиш вақти анъанавий дарсларникига қараганда кўпроқ бўлиши керакми ёки аксинчами? Ушбу мавзуни ўрганишга бўлган эҳтиёжни бир олимлар гуруҳи асослаб берган бўлсалар, бошқа гуруҳ тадқиқотчилари масаланинг ечими сифатида юкламани ҳисоблаш моделларини ишлаб чиққанлар.

Хориж тажрибасига кўра, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини ҳисоблашда турли ўлчов бирликлари, методлар ва моделлардан фойдаланилади. Юкламани ҳисоблашда талабалар сони, дарс тури ва уларнинг комбинацияси (маъруза+лаборатория), ўқитувчининг тажрибаси, фаннинг янгилиги (бутунлай янги соҳани ўргатувчи фан), баҳолаш метод ва усуллари, фаннинг бакалавриат ёки магистратура босқичидаги талабаларига ўқитилиши, дарснинг бинар ёки якка тартибда ўтилиши, ўқитувчининг бир фандан олдинги ўқув йилларида дарс берганлиги, фан хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бир ўқитувчига тўғри келувчи талабалар сони, ўқитувчининг илмий даражаси, дарс шакли (масофавий, анъанавий), дарсда инновацион технологиялардан фойдаланиш каби омиллар инобатга олиниши хориж тажрибаси таҳлилида аниқланди. Жаҳон тажрибасида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари тақсимотида 4 методдан кенг фойдаланилади:

1. Ўзгармас (constant) — 1 курс/бирликка (модуль) асосланган тақсимот модели.

2. Контакт — маъруза/семинар соатлари сонига асосланган тақсимот модели.

3. Белгиланган юклама вазифаларини бажариш учун сарфланадиган вақтга нисбатан тақсимот модели.

4. Нархга асосланган — курс/бирлик (модуль)ни ўқитишдан тушувчи фойдага қараб белгиланади.

Ўқитувчининг илмий фаолиятидаги узвийлик ва изчилликни таъминлаш унинг замон ва макон ҳақидаги тўлиқ ва тугалланган тасаввурга эгалигини кафолатлаб, бу сифатларни талабаларда шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи билим берувчи шахс сифатида ўз-ўзини ривожланти-

риш жараёнига мутлақ жалб этилган бўлиши унинг касбий компетентлигини шакллантирувчи мажбуриятларидан биридир. Ўқитувчи юкламаси касбий талаб бўлган “билимларни мунтазам такомиллаштириш жараёни” учун ажратилувчи вақтни эътибордан четда қолдирмаслиги зарур. Ғарб мамлакатларида ўқитувчи юкламасини ҳисоблашда ўқитувчининг илмий даража олиш истаги инобатга олинганлиги боис юкламани қуйидаги 3 та компонент ташкил қилади:

- Илмий изланиш (research)
- Хизмат кўрсатиш (service)
- Таълим-тарбия жараёни (teaching)

Мамлакатимизда ўқитувчилар юкламасини:

- Ўқув-услубий
- Илмий тадқиқот
- Устоз-шогирд анъанасига доир функциялар йиғиндиси ташкил қилади.

Фарқли жиҳат шундаки, ғарбда ўқитувчилар илмий даража эгаллаш истагида бўлмаган тадқирларида (non-tenure track faculty) уларнинг илмий изланишлар учун сарфланувчи вақти ўқув жараёни ва университетга хизмат кўрсатиш вазифалари ўртасида тақсимланади. Илмий даража олиш истагида ёки жараёнида бўлган ўқитувчилар (tenure track faculty) 3 компонент таркибига кирувчи вазифаларни университет томонидан белгиланган фоиз кўрсаткичларида бажаришлари талаб қилинади. Америка ҳамда Австралия университетларида 40/40/20 фоиз нисбатлари мос равишда ўқитиш/илмий фаолият/хизмат кўрсатиш функциялари учун белгиланган. Аммо бу тақсимотга олий таълим муассасасининг тури бевосита таъсир қилади. Масалан, тадқиқот институтларида юқоридаги фоиз кўрсаткичлари нисбати мос кетма-кетликда 30/60/10га ўзгариши мумкин. Бундан ташқари, турли мамлакатларда юклама компонентлари 3 дан зиёд бўлиши ҳам мумкин. Жумладан, Қозоғистон Республикасида юклама компонентлари 6 та бўлиб, у ўз таркибига ўқув методик, ташкилий методик, илмий тадқиқот, тарбиявий, университет имиджини оширишга қаратилган фаолият ва малака ошириш ишларини ўз ичига олади. Таҳлилий жараёнда Буюк Британия университетларида юкламани ифодалашда семестр кредит соати тушунчасидан, Америкада эса кредит соатлар ёки карнеги (carnegue credit hour) кредит соатларидан фойдаланиши аниқланди.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ

Берклидаги Калифорния университети (University of California, Berkeley) дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари рўйхатида 8-ўринни эгаллаган.



Берклидаги Калифорния университетининг “Математика кафедраси”да фаолият юритувчи ўқитувчи вазифаларига ҳафтада 2 офис соати университет кафедрасида бўлиш, мажлис ва конференцияларда иштирок этиш, имконияти чекланган талабалар билан ишлаш (DSP-direct support professional administration), 1 семестрда кўпи билан 2 нафар талабанинг курс ишига ташқи тақриз бериш, талабаларни баҳолаш, кўпи билан 3 нафар битирувчи талабага илмий раҳбарлик қилиш кабилар киради. Университетда юкламани ҳисоблашда фаннинг ўзига хосликлари, талабалар сони, дарс тури каби омиллар инобатга олинади. Калифорния университети 9 та давлат университетларини ўз ичига олади. Улар қуйидагилардир:

1. Берклидаги Калифорния университети
2. Девисдаги Калифорния университети
3. Ирвайндаги Калифорния университети
4. Лос-Анжелесдаги Калифорния университети
5. Санта-Круздаги Калифорния университети
6. Санта Барбарадаги Калифорния университети
7. Сан-Францискодаги Калифорния университети
8. Сан-Диегодаги Калифорния университети
9. Риверсайддаги Калифорния университети

Университетларда ўқитувчи юклама тақсимоти 2021 йилнинг 23 ноябрида Калифорния университетидаги Америка Федерацияси профессор-ўқитувчилар кенгаши томонидан ўтказилган меморандумда қабул қилинган юкламани ҳисоблаш мезонларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Йўриқномада 18 бирлик стандарт талаблари ва уларга тенг бўлган вазифалар рўйхати мавжуд. Келишув 18 бирлик ўқитувчи учун ўқув юклама стандарти 1 ўқув йилида 6 ўқув юкламасидан ошмаслиги талабини кўрсатади. Ҳафтасига 3 контакт соатлик курс учун 1 ўқув юкламаси ажратилганини ҳисобга олиб, ўқитувчининг семестрлик юкламаси бундай курслардан 3 тасини ўтишни ташкил қилади, деб хулоса қила оламиз. Аммо бу ўқитувчилар юкламаси таркибига кирувчи вазифалардан бири, холос. Ўқитувчиларнинг бошқа турдаги функционал вазифалари ва уларнинг юклама фоизлари келишувга биноан, барча Калифорния олий таълим муассасалари томонидан олийгоҳларнинг расмий веб-саҳифаларида онлайн форматда эълон қилинади. 9 та университет ўртасидаги келишув қуйидаги мезонларга асосланган бўлиб, ҳар бир университет ўқитувчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ижобий иш ва ҳаёт мувозанатини яратишда бу норматив чегараларга таянади.

Курс ўқув бирлиги юкламаси	
Ҳафтасига энг камида 3 контакт соат ажратилган курс (стандарт юклама деб белгиланган)	1 юклама
Курс эквивалентлари	
Ҳафтасига 1 контакт соатлик курсни ўқитиш ва унга тайёрланиш	0,50
Ҳафтасига 2 контакт соатлик курсни ўқитиш ва унга тайёрланиш	0,75
Ҳафтасига 3 ва ундан кўп контакт соатлик курсни ўқитиш ва унга тайёрланиш, бунда маърузачи ўқитувчи талабаларни баҳолайди	1,20
Ҳафтасига 1 марта қуйидаги дарсларни ўтиш (дарсларга тайёргарлик кўриш кўп вақт ва куч талаб қилмайди деб қаралган тақдирда): Студио дарслари* Талабанинг ўзлаштириш тезлигига боғлиқ бўлган дастур** Индивидуал дарслар Мунозара дарслари	0,11
Ҳафтасига 1 марта қуйидаги дарсларни ўтиш (дарсларга тайёргарлик кўриш кўп вақт ва куч талаб қилади деб қаралган тақдирда): Лаборатория Мунозара дарслари Студио дарслари	0,167
Дарсларни биргаликда ўтиш	
Ўқитувчилар маъруза материалларини тайёрлаш ва дарсларни ўтиш юкламасини бирдек иккига бўладилар. Бунда бир ўқитувчининг юкламаси	0,50

Ўқитувчилар маъруза материалларини тайёрлаш юкламасини иккига бўладилар. Лекин дарсларни ўтиш юкламаси фақат битта ўқитувчида бўлади. Бунда дарсларни ўтган ўқитувчининг юкламаси	0,67

Берклидаги Калифорния университети энг қадимий ва нуфузи юқори олийгоҳлардан ҳисобланиб, унинг “Математика кафедраси”да ўқитувчилар юкламаси тақсимоти фоиз кўрсаткичларида ифодаланади.

Ўқув юклама кредити	
Ҳафтасига (энг камида) 3 контакт соат ажратилган курс	33%
Ҳафтасига 2 контакт соатлик курс	25%
Бинар дарс — маъруза материалларини тайёрлаш ва дарс ўтиш юкламасининг нисбати	17% (Бу ҳолатда берилади-ган 33% юкламанинг 50%и берилади)
Бинар дарс — маъруза материалларини тайёрлаш ва маъруза дарсларини ўтишда қатнашиш юклама-сининг нисбати	22% (Бу ҳолатда берилади-ган 33% юкламанинг 67%и берилади)
Мунозара дарслари	25%

Талабалар сони кам (<101 нафар талаба) бўлган курслар учун юклама фоизлари	
Ҳафтасига (энг камида) 3 контакт соат ажратилган курс	33%
Қўшимча (мажбурий) вазифалар	
1 соат қўшимча офис соати — битирувчи талабалар билан ишлаш учун (умумий офис соати 3 соатга тенг бўлади, 3 соат=10.89%=11%). Шунда ҳар бир соат учун юклама	3,63%
Қўшимча курс учун материал тайёрлаш	3,63%
Қўшимча ташқи эксперт хулосаларини ёзиш	3,63%
Умумий қўшимча вазифалар фоизи	44%

Талабалар сони белгиланган нормадан кўп (>101 нафар талаба) бўлган курслар учун юклама фоизлари	
Ҳафтасига (энг камида) 3 контакт соат ажратилган курс	33%
Қўшимча (мажбурий) вазифалар	
1 соат қўшимча офис соати — битирувчи талабалар билан ишлаш учун	3,63%
Битирувчи талабалар учун консультация дарслари	3,63%
Курс учун материал тайёрлаш (>101 нафар талаба)	5,51%
Имконияти чекланган талабалар гуруҳи билан ишлаш (>101 нафар талаба)	3,63%
Умумий қўшимча вазифалар фоизи	50%

Университетда стандарт курс сифатида ҳафтасига 3 марта контакт соати бўладиган курслар тушунилади. Бу курслар ўқув юклама кредитининг 33%ини ташкил қилади ва тўлиқ штатдаги ўқитувчи 1 академик йилда шундай курсдан 6 тасини ўқитиши керак. 1 курснинг 1 ўқув йили юкламаси сифатида фоизларда ифодалаш учун 33% 2 га бўлиниб, натижа 17% деб яхлитланади.

Ўқув йили учун ўқитувчи юкламаси = Ўқув юклама кредитининг 33%ини ташкил қилувчи ҳафтасига 3 кредит соатлик курс*6.

Лекин шундай курслар борки, улар хусусиятлари ва мураккаблик даражаларидан келиб чиққан ҳолда, юкламанинг каттароқ фоизини ташкил қиладилар. Стандарт бўйича 1 семестр учун 1 курсдан таълим бериш юкламанинг 33%ини бажариш демакдир. 2 та курсни ўқитиш 67%, 3 тасини ўқитиш эса 100% юкламага тенг. “Физика кафедраси”да физика фанлари мураккаблик даражаларига кўра гуруҳларга ажратилган бўлиб, “Электромагнетизмга кириш, тўлқинлар ва оптикалар” курси стандарт 33%, “Амалий физикага кириш I қисм” курси 25% ҳамда “Муҳандислик учун физика” курси эса 44% юкламани ташкил қилади.

СЕНТ ЛУИС УНИВЕРСИТЕТИ (SAINT LOUIS UNIVERSITY)

Университетда профессор-ўқитувчилар юкламасини таълим бериш, илмий тадқиқот ўтказиш, университетга хизмат кўрсатиш каби 3 турдаги иш категориялари ташкил этади. Университет юкламани ҳисоблашда кредит ҳамда бирлик (unit) тушунчаларидан фойдаланиб, иккисини моҳиятан боғлайди. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик юкламалари бирликларда ифодаланиб, юклама бирлиги — университетда педагогик фаолият юритувчи ходимлар юкламаларининг факультетлараро адолатли ва шаффоф бўлишини таъминловчи бажарилган ишнинг сондаги ифодасидир. Ходимлар 9-12 ой учун ишга қабул қилинишлари ва шартнома муддатига мос равишда белгиланган юклама нормасини бажаришлари мумкин.

Шартнома муддати	9 ой	10 ой	11 ой	12 ой
Йиллик юклама ҳажми (бирликларда)	24	26,5	29	32

Ўқитиш — курс/силлабус ишлаб чиқиш, дарсларга тайёргарлик кўриш, дарс машғулотларини ўтказиш, диплом иши/диссертацияга раҳбарлик қилиш, талабаларнинг ўқув натижаларини мунтазам баҳолаш, оралиқ ҳамда якуний назоратни ўтказиш, талабалар амалиётини мониторинг қилиш каби

фаолиятлар билан шуғулланишни назарда тутади ва бунга менторлик қилиш ҳамда илмий маслаҳатчилик қилиш киритилмайди. Сўнгги қайд этилган фаолият шакллари университетга хизмат кўрсатиш юкламаси қаторига киритилган. Университет ҳар бир ўқитиш кредит соатини 1 юклама бирлигига тенглаштирган. Университетдаги барча профессор-ўқитувчилар баҳорги ва кузги семестрда энг камида 12 кредит соатига тенг курсларни ўқитишлари керак. Ушбу 12 кредит соатига тенг курслар 12 юклама бирлигига тенглаштирилади. Педагоглардан жами 24 юклама бирлигидан ҳар семестрда 12 юклама бирлиги бажарилиши талаб қилинади, бу 1 семестр учун ўқув юкламанинг 50 фоизи демакдир.

Грант лойиҳаларда иштирок этиш, илмий қўлёзмалар нашри университетнинг илмий тадқиқот нуфузи даражасини ошириши боис, юклама элементлари қаторидан алоҳида ўрин эгаллаган. Журнал, қўлланмаларни ёзиш — 2,5; китоб ёзиш — 2,5; грант лойиҳани ишлаб чиқиш — 3; грант лойиҳани амалга оширишда раҳбарлик қилиш — 3 юклама бирлигига тенг. Барча профессор-ўқитувчилар йиллик 6 юклама бирлигини ташкил этувчи тадқиқот, грант лойиҳалар, ижодий изланишларда фаоллик кўрсатишлари лозим, шунда илмий тадқиқот юкламасининг мажбурий 25 фоизи бажарилган бўлади.

Университетга хизмат кўрсатиш — университет бўлими, факультет ёки кафедрасида ходим, ишчи гуруҳ аъзоси, қўмита аъзоси сифатида фаолият юритиш, ўқув дастур администрацияси, бўлим/кафедра/факультет администрацияси билан шуғулланиш, университет марказларида ёки институтлараро маросимларида иштирок этиш, тавсия хатларини ёзиш ва бошқа шу каби ишлар киради. Факультет, кафедра аъзоси бўлиш — 1; бакалавр таълим дастури директори хизмати — 3; бакалавр талабалари учун академик маслаҳат бериш ҳар 4 нафар талаба учун — 5; магистратура талабалари учун академик маслаҳат бериш ҳар 3 нафар талаба учун — 5 юклама бирлигига тенг. Хизмат таркибига кирувчи юклама элементлари орқали 24 юклама бирлигининг 2,4 бирлигини, яъни 20 фоизини тўплаш мажбурий.

КЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (KENT STATE UNIVERSITY)



Хитой, Швейцария, Италия, Ҳиндистонда филиаллари бўлган Америкaнинг Кент давлат университети дунёнинг энг нуфузли университетлари рейтингида 801-1000-ўринни эгаллаб турибди. Университетнинг ўқитувчи ходимлари 1 ўқув йилида 24 кредит соат юкламасини бажарадилар.

Дарсда қатнашувчи талабаларнинг сони белгиланган миқдордан ошса, ўқитувчининг қўшимча кучи ва вақти сарфланиши табиий ҳол эканлиги инобатга олиниб, университетда:

Маъруза дарсларида талабаларнинг сони 45 дан ошса, ҳар бир қўшилган 15 нафар талаба учун қўшимча 1 кредит соати ва 1 бирлик юклама ажратилади.

Мустаҳкамлаш дарслари (recitation class) — маъруза дарслари кам сонли талабалар учун такроран ўтилувчи дарс тури. Бундай дарсда талабаларнинг сони 30 нафардан ошса, ҳар бир қўшимча 10 нафар талаба учун 1 кредит соатга тенг юклама ажратилади.

Лаборатория дарслари учун талабалар сони 15 нафардан юқори бўлган тақдирда, ҳар бир қўшимча 5 нафар талаба учун 1 кредит соатига тенг юклама ажратилади.

ТЕХАС АГРОСАНОАТ ВА МЕХАНИКА УНИВЕРСИТЕТИ (TEXAS A&M UNIVERSITY)

Университет жаҳоннинг нуфузи юқори олий таълим муассасалари қаторида 181-ўринда туради.

Американинг майдон катталиги ва аҳоли сонининг кўплиги бўйича иккинчи ўринда турувчи Техас штатида жойлашган Техас агросаноат ва механика университетида фаолият юритувчи ўқитувчилар учун 1 семестрлик магистратура ва бакалавриат таълим босқичи учун мўлжалланган курслардан таълим бериш юкламаси **12 семестр кредит соатига** тенг. PhD курсларидан 1 семестрлик таълим бе-

ришнинг максимал юкламаси 9 семестр кредит соатига тенг. Илмий даража олиш йўлида бўлмаган ўқитувчилар учун 1 семестрлик максимал иш юкламаси **15 семестр кредит соатига** тенг.

Америка университетларида юкламани ҳисоблашда семестр кредит соат (*semester credit hour*) тушунчасидан фойдаланилади. Семестр кредит соат тушунчасининг моҳияти курсни ўқитиш ҳафтасига нечта контакт соат талаб қилиши билан бевосита боғлиқ. Мисол учун, 1 семестр кредит соати деганда, ҳафтасига 1 марта (50 дақиқа давом этувчи) контакт соатлик дарс 1 семестр учун мўлжалланганлигини англатади. 1 ўқув семестри 15 ҳафта давом этса, демак, 1 семестр кредит соатлик курсни ўқитишда 15 та контакт соати бўлиб ўтади. Одатда аксарият Америка коллеж ва университетлари курслари 3 семестр кредит соатлик курслар бўлиб, талабага 1 семестр давомида бундай курсни ўқитиш, ҳафтасига 3 марта ва жами 45-48 марталик контакт соатни ташкил қилади. Университетда ўқитувчиларнинг юкламаси ҳар 4 йилда қайта кўриб чиқилиб, кенгаш томонидан энг кам юклама талаблари белгиланади. 2019 йилги кенгаш тасдиқлаган ҳужжатга биноан, бакалавриат талабаларига ўқитиладиган курслардан 9 ўқув кредити; магистратура талабаларига ўқитиладиган курслардан таълим беришда 6 ўқув кредитини ташкил қилувчи дарс ўтиш ва унга тенг бўлган вазифаларни бажариш юкламанинг энг кам талаби ҳисобланади.

Анъанавий дарс турлари учун ажратилган юклама кредитлари маъруза, лаборатория, семинар дарсларини ўтиш учун ўқитувчига белгиланган юклама миқдорини ифодалайди. Унга биноан, бакалавриат босқичидаги талабалар учун маъруза ўқиш юкламаси — 3 семестр кредит соатлик курс учун 3 юклама бирлигига тенг. Агар курс магистратура талабаларига ўқитилса, у ҳолда юкламани ҳисоблашда ҳафталик маъруза соатлари сони 1,5 га кўпайтирилади. Мисол учун, 3 семестр кредит соатлик курс учун ўқитувчи юкламаси 3*1,5=4,5 га тенг бўлади. Лаборатория дарслари юкламаси 1 семестрда ҳафтасига 2 маротаба бўлувчи лаборатория машғулотлари учун “ҳафталик контакт соатлар сони”, яъни 2 ни 0,67 га кўпайтириш орқали ҳисобланади. Бизнинг мисолимизда, бу турдаги дарс учун юклама 1,3 кредитга тенг. Лаборатория машғулотлари юкламаси маъруза дарслари каби дарснинг бакалавриат ёки магистратура таълим босқичи учун мўлжалланганлигини ҳисобга олмайди. Университетда магистратура мутахассисликлари талабалари билан ҳафтасига 5 соат ишлаш 3 кредит соатлик юкламани бажариш билан тенглаштирилган. PhD диссертациясини ёқлаши кутилган 2-4 нафар тадқиқотчига кенгаш аъзоси бўлган ҳолда раҳбарлик қилиш, ўқитувчини 1 кредит соатлик юкламадан озод қилади. Маъруза дарсларида талабалар сонининг декан томонидан тасдиқланган нормадан ортиши натижасида ўқитувчи юкламаси ҳафталик контакт соатлари сонини 0,5 баробар ошириб, чиққан натижани курс кредитига қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

САН АНТОНИОДАГИ ТЕХАС УНИВЕРСИТЕТИ (THE UNIVERSITY OF TEXAS AT SAN ANTONIO)

“Times Higher education” 2023 йилги рейтингида 601-800-ўринни эгаллаган.

Барча ўқитувчилар 1 ўқув йили учун 18 юклама кредитига тенг юкламани бажаришлари талаб қилинади. Олдиндан режалаштирилган аудитория дарслари учун дарс машғулоти турлари ва уларнинг комбинациясидан келиб чиқиб, машғулотларга ўлчов омиллари, яъни, курснинг магистратура ёки бакалавриат таълим босқичига ўқитилиши ҳамда курсда қатнашиши кўзда тутилган энг кўп талабалар сонини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланган. Ўлчов омилларининг дарс соатлари сонига кўпайтмаси ўқитувчининг бир курс учун юклама кредит соатини келтириб чиқаради. Юклама ҳисоб-китобидаги ўзига хослик курс кредитларини эмас, балки курсни ўқитишда қайси турдаги ўқув машғулотлари комбинацияси ўқитилишини инобатга олишдадир. Қуйида 2 турдаги ўлчов омиллари келтирилади:

1-турдаги ўлчов омиллари ўқув машғулот турларига ажратилган юклама бирликларини ўзида акс эттиради:

– ЎО (ўлчов омили) лаборатория — 0,667;

– ЎО амалиёт — 0,1 бакалавриат босқичи курси учун, 0,2 магистратура босқичи курси учун;

– ЎО илмий раҳбарлик — 0,333;

– ЎО даража — 1.0 бакалавриат, 1,5 магистратура.

Аудиториядаги талабалар сонининг ортиши билан ўқитувчи юкламаси мос равишда камайишини ўлчов омилининг 2-тури таъминлайди.

Талаба-лар сони	**59 ёки ундан кам**	**60-69**	**70-79**	**80-89**	**90-99**	**100-124**
Ўлчов омили 2	1,0	1,1	1,2	1,3	1,4	1,5

Ҳисоблаш формуласи

А	**Маъруза**	**(Маъруза соатлари) Х (Ўлчов омили 2) Х (Даража ўлчов омили)**
Б	Лаборатория	(Лаборатория соатлари) Х (мос ўлчов омили 2) Х (Даража ўлчов омили)
С	Семинар	(Кредит ёки контакт соатлари) Х (Ўлчов омили 2) Х (Даража ўлчов омили)
Д	Мунозара ёки такрорлаш дарси	Кредит ажратилмайди
Агар курс маъруза ва лаборатория дарслари комбинациясидан ташкил топган бўлса, у ҳолда курс юкламаси А+Б га тенг.		

МАЛАЙЗИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ

Малайзия олий таълим муассасаларида ўқитувчилар юкламасини ҳисоблашда кредит соатлардан (credit hours) фойдаланилади. Оддий ўқитувчи учун ҳафталик энг кўп дарс соати 18 га тенг. Малайзияда юклама ҳисоблашда дарсда қатнашган талабалар сони, курс учун ажратилган кредит миқдори ва дарснинг бинар ёки якка тартибда ўқитувчи томонидан ўтилишига қаралади. Ўқитувчиларнинг тажрибаси ҳам юклама тақсимотида аҳамиятга эга. Боиси тажрибали ўқитувчи учун у ёки бу курсдан таълим бериш янги стажёр ўқитувчига нисбатан бир қанча осон. Чунки тажрибали ўқитувчи йиллар давомида эгаллаган кўникма ҳамда малакасини янги ўқув муҳитида маҳорат билан қўллай олади.

Бир ўқув курсини такроран ўқитишда, ўқитувчида шу курсдан таълим бериш бўйича шаклланиб бўлган кўникмани ишга солиши намоён бўлади. Ўқитувчи маълум курсдан таълим беришда қандай методлар, усул ва технологиялардан фойдаланиш ҳақида тушунча ҳосил қилади. Такрорий жараёнда унинг шу фандан дарс ўтиши учун тайёргарлигига нисбатан камроқ вақт сарфланади, чунки эндиликда ўқитувчида назарий-фундаментал билимлар ва педагогик фаолиятда таълим жараёнини юқори даражада ташкил қилиш ва ўтишда зарурий ўқув-методик база мавжуд бўлиб, у шунчаки маълумотларнинг ўз аҳамиятини йўқотган қисмларини ўзгартириб чиқиши етарли.

Яна бир ўқитувчининг таълим бериш сифатига бевосита таъсир қилувчи омил бу – аудиториядаги талабалар сонидир. Кредит модуль тизими тўлиқ ишга тушишида бу муаммо билан юзма-юз келиш турган гап. Олимларнинг фикрига қараганда, ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашлари ва тадқиқотлар олиб боришларига кўп сонли талабалар учун маъруза дарсларини ўтиш, уларни баҳолаш ва уларга топшириқлар тайёрлаш каби юклама вазифалари тўсқинлик қилмоқда. Тадқиқотлар ўтказиш, фан соҳасини чуқурроқ ўрганиш эса ўқитувчининг замон билан ҳамнафаслигини, талабаларга илм-фандаги энг долзарб масалаларда мушоҳада қилишни ўргатишда муваффақиятни таъминловчи кучдир.

Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, таълим бериш сифатини ошириш учун ўқитувчи юкламасини камайтириш лозим. Таълим бериш сифати қуйидаги формула билан текширилади:

Сифат омили= (тайёрланиш + баҳолаш вақти)/контакт соатлар миқдори

Такидлаш жоизки, ўқитувчи юкламасидаги тадқиқотлардан мақсад ўқитувчиларнинг самарали таълимни таъминлашларида таянч вазифани ўтовчи дарсга тайёргарлик вақтини тўғри тақсимот қилишдан иборат.

Малайзия малака агентлиги (MQA – Malaysian qualifications agency) томонидан 2014 йилда ўқитувчиларнинг энг кўп юкламаларига доир мезонлар “Амалиёт аккредитацияси дастури” бўйича чоп этилган йўриқномасида акс эттирилади. Ўқитувчи юкламасига доир стандартга биноан, ўқитувчининг ҳафталик юкламаси 18 контакт соатидан ошмаслиги даркор. Бу мезон ўқитувчиларнинг тадқиқотлар олиб боришлари, талабаларга маслаҳатлар беришлари, ўз административ вазифаларини тўлақонли бажаришлари учун шарт-шароит яратади.

Курс	Сертификат ва диплом	Бакалавр даражаси	Магистрлик даражаси	Докторлик
Ижтимоий фанлар	1:30	1:25	1:20	1:12
Гуманитар фанлар ва адабиёт	1:30	1:25	1:20	1:12
Аниқ фанлар	1:25	1:20	1:15	1:9
Саломатлик фани ва тиббиёт	1:25	Саломатлик фани 1:20 Тиббиёт 1:4	1:15	1:9
Муҳандислик ва технология	1:20	1:15	1:15	1:6

Юқоридаги жадвал Малайзия сифат агентлигининг “билим соҳалари” бўйича таълим беришда сифатни кафолатлаш учун ўқитувчиларнинг талабалар сонига тўғри келувчи меъёрий мезони стандартини акс эттиради.

Етакчи мамлакатлар томонидан ўтказилган тадқиқотларга қараганда, кредит соатлари ўқитувчи юкламасини шаффоф ва аниқ тарзда функционал вазифаларни акс эттириши билан юкламанинг ўлчов бирлиги сифатида шуҳрат қозонган.

Демак Малайзия олий таълим муассасаларида:

✓ Ҳафталик юклама ҳисоб-китоби бўлади ва у 1 ўқитувчи учун 18 кредит соатдан ошмаслиги керак.

✓ 18 кредит соатнинг камайишига ўқитувчининг илмий даражаси, унвони, лавозими таъсир қилиши мумкин.

✓ Юкламани ҳисоблашда синфдаги талабалар сони инобатга олинади.

✓ Ўқитувчилар биргаликда (бинар) дарс ўтсалар, дарс учун ажратилган юклама тенг иккига бўлинади.

✓ Таълим сифатини кафолатлашда билим соҳаларидан келиб чиққан ҳолда, 1 ўқитувчи учун тўғри келадиган талабалар сони нисбати аниқланган.

АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ

Шаржа университети (University of Sharjah)

THE рейтингида 251-300-ўринни эгаллаган Шаржа университети ўқитувчи юкламасини ҳисоблашда тайёргарлик кўриш курслари сони, курсларнинг мураккаблик даражаси, талабалар сони, дарс ўтувчи ўқитувчилар сони каби элементларни инобатга олади. Ўқитувчининг юкламасини ташкил этувчи вазифаларига: ўқитиш, консультация бериш, лойиҳага раҳбарлик қилиш ҳамда амалиёт раҳбарлиги кабилар киради. Агар ўқитувчи магистрларни ёки магистрлар ҳамда бакалаврларни тайёрлаш бўйича аралаш ҳолда фанлардан дарс берса, унинг энг кўп йиллик юкламаси 18 кредит соатни ташкил қилади. Бу 1 семестрда 9 кредит соатлик юклама дегани.

PhD илмий даражасига эга ўқитувчилар учун юклама 24 кредит соатга, Магистратурани тамомлаганлар учун эса 30 кредит соатга тенг. Агар ўқитувчи декан лавозимига эга бўлса ва бакалаврларга дарс ўтса, у ҳолда унинг юкламаси 3 кредит соатга камайтирилади. Аммо декан лавозимидаги ўқитувчи магистратура талабаларига дарс ўтса, у 6 кредит соатлик юкламадан озод қилинади. Бу университетдаги лавозим масъулиятлари ҳамда функцияларини инобатга олувчи сиёсат тартибининг биргина мисоли. Ўқитиш кредит юкламаси одатда курс кредит соатига тенг бўлади (масалан, 3 кредит соатлик курсдан таълим бериш 3 юклама кредитига тенг). Белгиланган юкламани бажариш фақат дарс ўтиш билан ёки ўқитиш билан бир қаторда қолган юклама кредит миқдорига эквивалент вазифаларни бажариш билан амалга оширилиши мумкин.

Мустақил таълим	1 кредит соат — ҳар 12 нафар талаба учун 3 кредит соатдан ошмаслиги керак
Инноватив таълим	Йилига 3 кредит соат
Лойиҳа директори/ ижодий тадқиқот раҳбари	1 семестр учун 3 кредит
Кичик гуруҳ учун дарс бериш (талабаларнинг сони минимал кўрсаткичдан кам ҳолларда)	Ҳар 1 курс кредит соати учун 0,75 кредит соат ёки 1 кредит соат. Масалан: 3 кредит соатлик курс учун юклама 3 кредит соатдан ошмаслиги ва 2,25 кредит соатдан кам бўлмаслиги керак.

Юклама:

— Ўқитувчиларнинг ҳафталик юкламаси 12 кредит соатга тенг.

— Бакалавр талабалари учун 1 соат назарий маъруза дарси = 1 юклама кредит соатига тенг.

— Магистратура талабалари учун ўтилган 1 соат назарий маъруза дарси = 4/3 юклама кредит соатига тенг.

— 1 лаборатория машғулоти дарси — юкламада 0,5-0,75 кредит соатга тенг.

— Бакалавриат таълим босқичидан кейинги даражалар учун дарс бериш 9 кредит соат юкламасидан ошмаслиги керак.

Бирлашган Араб Амирликлари университети

Бирлашган Араб Амирликлари университети "Times" олий таълим муассасаларини баҳолаш рейтингида 251-300-ўринлар оралиғини эгаллаган.

Университетда ўқитувчилар тадқиқот, таълим бериш ва хизмат кўрсатиш ишларига жалб қилинадилар. Қуйида келтирилган жадвалда ўқитувчиларнинг ўқитиш юкламаси ва административ минимал юкламалари акс эттирилган.

Ўқитувчиларнинг илмий унвони	1 ўқув йили учун ўқув юкламаси (кредит соатларда)	
	__дан ошмаслиги керак	Административ ишлар учун энг кам юклама талаби
Ёрдамчи профессор	24	12
Профессор	18	12
Тадқиқотчи профессор	12	6
Инстукторлар*	30	18

*Инструктор ўқитувчиларнинг юкламаси контакт соатларга асосланиб ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолда уларнинг юкламаси 30 кредит соат ёки 36 контакт соатдан ошмаслиги керак (қайси бири камроқ бўлса).

Магистратура талабаларига дарс ўтувчи ўқитувчиларнинг энг кўп юкламаси 18 кредит соат ёки унга тенг бўлган вазифаларни бажаришдан иборат. Бакалавриат босқичидаги талабаларга ҳафтасига 1 марта бўладиган 1 академик соат маъруза дарси юкламанинг 1 кредит соатига тенг.

Шаҳзода Муҳаммад Бин Фаҳд университети (Prince Mohammad Bin Fahd University)

"Times" олий таълим муассасаларини баҳолаш агентлигининг жаҳон миқёсида эътироф этилган университетларининг 2023 йилги рўйхатида 651-700-ўринлар оралиғини эгаллаган.

Олийгоҳда ўқитувчи юкламаси контакт соатларда ҳисобланади. Контакт соат деганда, талабаларга 1 соат дарс ўтиш учун талаб этилган вақт ва кучнинг вақтдаги ифодаси тушунилади. Аниқроқ қилиб айтганда, контакт соатлар 1 соат маъруза/семинар дарсини ўтиш учун ўқитувчининг

тайёргарлигига ва шу дарсни ўтишга сарфланадиган вақти тушунилади. Бу 3 ёки ундан кўп соатни ташкил қилиши мумкин. Ўқитувчиларнинг 1 семестрлик юкламаси контакт соатлар кўринишида акс эттирилиши ёки унга тенг вазифаларнинг ҳафталик ҳисоботи юритилади. 16 контакт соатлик юкламага эга бўлган ўқитувчи ўз вазифаларини ҳар ҳафта 16 соатдан дарсга тайёрланиш, дарсни ўтиш ва топшириқлар бериш билан бажаради. Унга тенг вазифаларни бажариш деганда эса контакт соатларига тенг вақт ва куч сарфини талаб қиладиган талабалар билан тўғридан-тўғри ишлаш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш тушунилади.

Ўқитувчи лавозими	Ҳафталик юклама
Маърузачи	18 контакт соати
Ёрдамчи профессор	16 контакт соати
Қуйи профессор	14 контакт соати
Профессор	12 контакт соати

Шаҳзода Султон университети (Prince Sultan University)

Университетда ўқитувчи юкламаси ўлчов бирликлари сифатида ўқитиш бирлиги (teaching unit*)* қабул қилинган бўлиб, 1 ўқитиш битлиги 50 дақиқадан кам бўлмаган назарий маърузалар ва давомийлиги 100 дақиқадан кам бўлмаган амалий машғулотларга тенг. Университетда ўқитувчиларнинг 1 семестрлик юкламаси контакт соатлар кўринишида акс эттирилади ёки унга тенг вазифаларнинг ҳафталик ҳисоботи юритилади. 16 контакт соатлик юкламага эга бўлган ўқитувчи ўз вазифаларини ҳар ҳафта дарсга тайёрланиш, дарсни ўтиш ва топшириқлар бериш каби юклама элементларига жами 16 соат сарфлайди. Унга тенг вазифаларни бажариш деганда эса контакт соатларига тенг вақт ва куч сарфини талаб қиладиган талабалар билан тўғридан-тўғри ишлаш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш тушунилади.

Ўқитувчи лавозими ва юклама жадвали

Ўқитувчи	Илмий даража	Тажриба	Максимал ҳафталик юклама
Ёрдамчи профессор (илмий даража ҳаракатидаги, 1 босқич профессори)	PhD	2 йил	16 ўқитиш бирлиги
Қуйи профессор (Associate professor). 2 босқич	PhD	4 йил	16 ўқитиш бирлиги
Профессор. 3 босқич	PhD	6 йил	16 ўқитиш бирлиги

Ўқитувчи	Илмий даража	Диплом баҳоси талаби	Тажриба Ёш чегараси	Энг кўп ҳафталик юклама
Маърузачи	Магистр	Аъло	2 йил (А)	20 Ўқитиш бирлиги
Ёрдамчи ўқитувчи	Бакалавр	Аъло	35 ёшдан ошмаган (Б)	
Ёрдамчи тадқиқотчи	Бакалавр/Магистр	Аъло	35 ёшдан ошмаган (Б)	10 ўқитиш бирлиги

АВСТРАЛИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Маккуори университети (Macquarie University)

Жорий йилги кўрсаткичларга кўра дунёнинг нуфузли университетлари рейтингида 175-ўринни эгаллаган бу олийгоҳда ўқитувчи юкламаси ҳисобланишига турли омиллар таъсир қилади. Хусусан, “Санъат факультети” (Faculty of arts) ходимлари юкламаларини ҳисоблашда таълим шакли (масофавий, анъанавий), фанни ўқитишда талаб қилинувчи тайёргарлик муддати (кичик такрорлаш, катта такрорлаш) кабилар эътиборга олинади.

	Таъсир омиллари	Базавий вақт сарфи	Катта такрорлаш	Янги фан
Тайёргарлик	1 таълим шаклига асосланган фанни ўқитиш	20	35 дан 75гача	150 гача
	Турли таълим шакли (масофавий+анъанавий)	30		
	Амалиёт билан боғлиқ фанларни ўқитиш	40		

— Кичик такрорлаш/базавий тайёргарлик — мавзуни қисқача такрорлаш, баҳолаш машғулотларини ўзгартириш, маълумотларни янгилаш;

— Катта такрорлаш — фандан ўқитувчи илк бор дарс бераётганда ёки катта такрорлашлар талаб этилганда. Масалан, ўқув адабиётларини тубдан ўзгартириш, янги маруза мавзуларини шакллантириш, баҳолаш методларини кўриб чиқиш;

— Янги фанни шакллантириш;

— Умумий ўқитувчи юкламаси=1,2 ва 3-қисмларнинг йиғиндисидан ташкил топади.

1-қисм. Дарснинг туридан келиб чиқиб, ажратилган ҳафталик тайёрланиш вақти. Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, ўқитувчига дарс учун тайёргарлик кўриш вақти дарс турига кўра фарқланади. Ўқитувчи 1 академик соат анъанавий маъруза ёки семинар дарсини ўтиши учун унга 2 соат; 1 соат лаборатория, амалиёт ёки тьюториал дарсини ўтиш учун 1 соат; 1 соат онлайн мунозара форумини ўтиш учун 0,5 соат тайёргарлик кўриш вақти ажратилади.

Омиллар	Маъруза/ семинар		Тьюториал/ лаборатория/амалий		Асинхрон тьюториал (онлайн дискуссия)
Тайёргарлик	2	4	1	2	0/5
Дарс ўтиш	1	2	1	2	1

2-қисм. Ўқитувчи юкламасини ҳисоблашда университет талабалар сонини ҳам инобатга олади. Чунки талабалар сони ўзгариши баҳоланувчилар, йўналтирилувчилар сонининг ўзгарганидан далолат беради.

Баҳолаш	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа
	0,5	1	1 ёки 2

1-тоифа. Талабаларни фан бўйича баҳолаш ўқитувчининг кўп вақтини олмайди. Бунда — куизлар, талабаларнинг бир-бирларини баҳолаши, қисқа жавоблар, ўз-ўзини баҳолаш методларидан фойдаланилади ёки автоматлашган тестлар баҳолаш юкламасининг 50 фоизини бажаради.

2-тоифа. Топшириқларнинг бир қисми автоматлашган тарзда баҳоланиб, қолган қисми ўқитувчининг танқидий фикрлашини талаб қилади. Бундай топшириқларга куизлар (савол-жавоб мусобақалари) ҳамда ёзма иншолар мисол бўла олади.

3-тоифа. Талабалар томонидан бажарилган вазифаларни баҳолаш ўқитувчининг ҳам вақти, ҳам илмий ресурсларини талаб этади. Бу тоифага кирувчи топшириқларга лойиҳалар, курс ишларини мисол қилиш мумкин.

Университетда ҳар бир бакалавр даражасидаги талаба учун 14 соатдан илмий раҳбарлик вақти ажратилади. Ўқитувчиларга талабаларни йўналтириш, консультация хизматини кўрсатиш учун ҳам соатлар ажратилганлиги талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларида ижобий натижалар кўринишида намоён бўлади. Талабаларга маслаҳат бериш (консультация) учун юклама фанга қатнашаётган талабалар сонига қараб ҳисобланади. Бунда талабаларга берилган онлайн ва офлайн консультациялар бирдек ҳисобга олинади.

	Курсга қатнашувчи талабалар сони	Юклама соати тақсимоти
Консультация	<100	24
	100-119	30
	200-399	36
	400-599	48
	600+	60

Асосий штат ўқитувчиси ҳафтада 35 соатдан ошмаган ҳолда иш фаолиятини юритади. Университет томонидан қабул қилинган стандарт юклама 630 соатга тенг.

3-қисм. Дарс ўтиш. Дарс ўтиш учун юклама талабалар сонига қараб ҳисобланади.

	Курсда қатнашувчи талабалар сони	Соатлар тақсимоти
Фан	<200	15
	200-399	24
	400-599	30
	600+	36

Эдит Коуэн университети (Edith Cowan University)

Университет "Times" олий таълим муассасаларини баҳолаш рейтингида 351-400-ўринлар оралиғини эгаллаган.

Университетнинг Компьютер ва ахборот фанлари мактаби (School of computers and Information Science)даги юкламани ҳисоблаш нормалари ўрганилди. Университетда юкламанинг ўлчов бирлиги сифатида 1 академик соат маъруза дарсини ўтиш ва унга тайёрланиш қабул қилинган. Нормаларга биноан, ўқитувчи 1 соат маъруза ўқиши учун унга 2 соат тайёрланиши керак. Демак, 12 ўқув соати ҳафтасига 36 иш соатига тенглашади.

№	Ўқув юклама	
1	1 соат маъруза х ҳафта 1.5 соат маъруза 2 соат маъруза 3 соат маъруза	2 х ҳафталар сони 3 х ҳафталар сони 4 х ҳафталар сони 6 х ҳафталар сони
2	1 соат маърузани такрорлаш дарси 2 соат маърузани такрорлаш дарси	1 х ҳафталар сони 2 х ҳафталар сони

3	1 соат тьюториал 12 ҳафталик семестер учун (баҳолаш билан)	Ҳар бир талаба учун 2 бирлик
4	1.5 соатлик тьюториал (баҳолаш билан)	2.25 x n соат
5	2 соатлик тьюториал (баҳолаш билан)	2.5 x n соат
6	3 соатлик тьюториал (баҳолаш билан)	3 x n соат
7	1 соатлик тьюториал (баҳолашсиз)	1 бирлик x ҳафталар сони (маъруза дарс-ларнинг 50%)
8	Семинар дарслари (баҳолаш билан)	1 ҳафта + 2 x n соат (1,5 соатлик семинар) 2 ҳафта + 2 x n соат (2 соатлик семинар) 4 ҳафта + 2 x n соат (3 соатлик семинар) 4 ҳафта + 2,5 x n соат (4 соатлик семинар)

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ



Қозоғистон Республикаси таълим ва фан вазирининг 2021 йил 25 мартдаги 122-сонли “Қозоғистон Республикаси таълим ва фан вазирлигининг олий ва (ёки) олий ўқув юртидан кейинги таълим ташкилотларида профессор-ўқитувчиларга белгиланиши тавсия этилган педагогик юкламаси ва энг кам иш ҳақини аниқлаш тўғрисида”ги буйруғига биноан, тўлиқ штатда фаолият юритаётган ўқитувчининг юкламаси 1 ўқув йили учун 680 академик соатдан ошмаслиги белгиланган. Шу билан бирга, аудитория (контакт) соатларининг ҳажми умумий юкламанинг 50 фоизни ташкил қилиши лозимлиги белгиланган. Юклама компонентлари ғарб мамлакатлариникидан фарқли бўлиб, уларга ўқув, ўқув методик, илмий тадқиқотчилик, тарбиявий ҳамда ташкилий-методик, шунингдек, узлуксиз квалификация оширишдан ташкил топган. Ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламаси академик кредитлар ёрдамида аниқланади. Педагогик юкламанинг бошқа шакллари академик соатларда ҳисобланади. Ҳафталик юклама 40 соатга тенг. **Х.Досмуҳамедов номидаги Атирау нефть ва газ университети**да профессор-ўқитувчиларнинг бир ўқув йили учун юкламаси 56 кредитга (1680соат/30 соат (ҳар 1 кредит учун)) тенг.

Лавозим	Аудитория ўқув юкламаси\ академик кредит	Чегаралар		Аудитория юкламасининг чегаралари	
		МИН	МАХ	МИН	МАХ
Профессор Доцент Асисстент-Профессор (илмий даража билан)	12	11	13	330	390
Катта ўқитувчи	14	13	15	390	450
Ўқитувчи	16	15	17	450	510

Ўқув аудиториядан ташқари юклама деганда, қуйидагилар назарда тутилади:

— Мустақил таълимни текшириш

— Оралиқ ҳамда якуний назоратларни ўтказиш

— Аттестация комиссиясида иштирок этиш

— Амалиётга раҳбарлик қилиш (ўқув, ишлаб чиқариш, педагогик, диплом ҳимояси олди амалиётлар).

Аудиториядан ташқари юклама қатъий йиллик умумий **680 соатлик юклама нормаси** асосида белгиланиб, профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаган лавозимларига кўра фарқ қилади.

Лавозим	Аудиториядан ташқари юкламанинг чегаралари, академик соатларда	Мустақил таълимни баҳолаш, академик соатларда	Оралиқ ҳамда якуний назоратларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш
	680-Х	60%	40%
Профессор Доцент Асисстент-Профессор (илмий даража билан)	290-350	175-210	115-140
Катта ўқитувчи	230-290	140-175	90-115
Ўқитувчи	170-230	100-140	70-90

Аудитория соатларини режалаштириш:

✓ Ўқитувчиларнинг офис соатлари академик потоклар учун режалаштирилиб, факультет декани томонидан тасдиқланади ва талабалар, ўқув

ишлари бўйича проректор ҳамда халқаро ҳамкорлик бўйича проректорга эълон қилинади.

Якуний аттестация аттестация комиссияси томонидан ўтказилади:

✓ Ёзма шаклда давлат ёки комплекс имтиҳон поток учун ўтказилади (бир кунда 6 соатдан ошмайди).

✓ Оғзаки шаклда давлат ёки комплекс имтиҳон 12 кишидан ошмаган академик гуруҳ учун ўтказилади (бир кунда 4 соатдан ошмайди).

✓ Диплом иши (лойиҳаси) ҳимоясида кунига кўпи билан 10 нафар битирувчи ёки 6 нафар ҳамкорликдаги лойиҳалар ҳимоя қилинади (кунига 4 соатдан ошмайди).

Илмий тадқиқот юкламасини режалаштириш:

Илмий тадқиқот юкламасининг ҳажми педагогик юкламанинг умумий ҳажми ҳамда ўқув юкламанинг ҳажми фарқидан келиб чиқади. Бу уларда 1000 соатга тенг (1680-680). 1000 соатнинг 15-40 фоизи илмий тадқиқот ишлари билан шуғилланиш учун ажратилади. Фоиз кўрсаткичлари ходимларнинг фаолият ихтисослашувларига қараб фарқланишини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

Факультет	ИТЮ фоизларда (%) (Илмий тадқиқот юкламаси)	Соат 1000*улуш%
Таълим дастури ишлаб чиқувчи профессор-ўқитувчилар учун	40>X 25>X	400 250
Таълим дастури ишлаб чиқмайдиган ходимлар учун	35>X 15>X	300 350

Ўқув юкламаси деганда, маъруза, семинар, амалий машғулотлар, студио дарслари, лаборатория дарслари, консультациялар, талабанинг мустақил иши, талабанинг раҳбар назоратидаги мустақил иши, касбий амалиёт (педагогик, ўқув, археологик, ишлаб чиқариш, диплом ҳимояси олдидан бўлувчи амалиётлар), курс ишига раҳбарлик қилиш, диплом ишига раҳбарлик қилиш, магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш ҳамда докторлик диссертациясига раҳбарлик қилиш тушунилади.

Малака оширишни режалаштириш:

Педагогларнинг малака ошириш учун ажратилинувчи юкламаси 72 соатдан кам бўлмайди. Ажратилган юклама 2 семестрга бўлиб бажарилиши мумкин.

Қозоғистон Миллий университети

Қозоғистон Миллий университетида профессор-ўқитувчиларнинг юкламаси табиий-техник йўналишлар учун 23 кредит, ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун 25 кредитни ташкил қилиши белгиланган. Юклама семестрлар ўртасида тақсимланганда 1 семестр учун 1 ўқув йили умумий юкламасининг 30 фоиздан кам бўлмаган ҳажмини ташкил қилиши зарур. Аудитория машғулотлари бўйича ўқув юкламаси умумий юкламанинг энг камида 60 фоизига тенг бўлиши даркор. Педагог полилингвистик фан гуруҳларида чет тилида (инглиз тили) дарс ўтиши учун юкламаси кўтарилган (1,5) фоиз асосида ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларнинг бир ўқув йилига нормаси 300 соатдан ошмаслиги белгиланган соатбай меҳнат ҳаққи улар томонидан ўқув юкламаси тўлиқ бажарилган тақдирдагина ишга тушади.

М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети

Юқорида аудитория иши ва аудиториядан ташқари ишларга қандай вазифалар кириши ҳақида тушунча бериб ўтилди. Шунга асосан, Қозоғистон Республикасидаги кейинги университетда педагогларнинг юкламасининг фоизлардаги тақсимоти билан танишиб ўтсак. **М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетида** икки юклама компонентининг ўзаро нисбати қуйидагича кўринишга эга:

Профессор-ўқитувчилар таркиби	Аудитория соати (энг кўп)	Аудиториядан ташқари соат (энг кўп)
Фан доктори	50-60%	40-50%
Фан номзоди	55-65%	35-45%
Катта ўқитувчи	60-70%	30-4-%
Ўқитувчи	75-85%	15-25%

Маъруза соатлари курсдан таҳсил олаётган барча талабалар гуруҳи (поток) учун ҳисобланади. Дарс анъанавий тарзда аудитория хонасида ўтказилса, потокда талабаларнинг сони 70 нафардан ошмаслиги, дарс онлайн шаклда бўлиб ўтса, тингловчиларнинг сони 100 нафаргача бўлиши талаби қўйилган. Бу чегаралар магистратура талабалари учун 45 нафарни ташкил қилади.

Қозоғистон олий таълим муассасаларида педагогик юкламани ҳисоблашда кредитлардан фойдаланилади. 1 кредит 30 академик соатга тенг. 1 академик соат 50 дақиқага тенг.

Атирау университети

Атирау университетида аудиториядаги ва ундан ташқаридаги ўқув фаолияти мос равишда 30 га 70 нисбатда бўлиб, талабаларнинг мустақил таълимини назорат қилишда ўқитувчилар учун алоҳида ўқув соатлари ажратилган.

Юклама		Ўқув машғулотлари	Дарс машғулотларига ажратилган аудитория соатлари			Юклама ўқув соатларида	
кредитларда	соатда	Жами	Маъруза	Амалиёт/семинар	Лаборатория/студио	Ўқитувчи назоратидаги мустақил таълим	Мустақил таълим
2	60	15				15	30
3	90	30				15	45
4	120	37				15	68
5	150	45				15	90
6	180	60				30	90
7	210	67				30	113
8	240	75				30	140
9	270	80				30	160
10	300	90				45	165

Педагоглар юкламаларнинг ҳажмини аниқлашда қуйидаги фарқланган тақсимотни назарда тутиш керак:

— жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий-гуманитар ва педагогика соҳасидаги профессорлар учун 450 соат, қолган барча кафедра профессорлари учун ўртача 550 соат;

— жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий-гуманитар ва педагогика соҳасидаги доцентлар учун 500 соат, қолган барча кафедра профессорлари учун ўртача 600 соат;

— жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий-гуманитар ва педагогика соҳасидаги катта ўқитувчи учун 550 соат, қолган барча кафедра катта ўқитувчилари учун ўртача 650 соат;

— кафедра мудири учун 400 соат;

— декан муовини учун 550 соат;

— факультет декани учун 400 соат;

— докторантура изланувчиси (0,5) учун 600 соат.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Мамлакатимиздаги олий таълим ташкилотларида ўқитувчи юкламасини ҳисоблашнинг меъёрий нормалари 5
Олий таълимда ўқитувчилар юкламасини ҳисоблаш методлари 8
Америка Қўшма Штатларидаги олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг юкламасини ҳисоблаш методлари 10
Сент Луис университети (Saint Louis University) 13
Кент давлат университети (Kent State University) 15
Техас агросаноат ва механика университети (Texas A&M university) 15
Сан Антониодаги Техас университети (The University of Texas at San Antonio) 17
Малайзия олий таълим муассасаларида ўқитувчи юкламасини ҳисоблаш методлари 18
Араб давлатлари олий таълим муассасаларида ўқитувчи юкламасини ҳисоблаш методлари Шаржа университети (University of Sharjah) 20
Бирлашган Араб Амирликлари университети 21
Шаҳзода Муҳаммад Бин Фаҳд университети (Prince Mohammad Bin Fahd University) 21
Шаҳзода Султон университети (Prince Sultan University) 22
Австралия олий таълим муассасаларида ўқитувчи юкламасини ҳисоблаш мезонлари
Маккуори университети (Macquarie University) 23
Эдит Коуэн университети (Edith Cowan University) 25
Қозоғистон Республикасида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик юкламасини ҳисоблаш тартиби 26
Қозоғистон Миллий университети 29
М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети 29
Атирау университети 30

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТУВЧИЛАР
ЮКЛАМАСИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадиий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусаҳҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиев

Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Pragmatica” гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-09.
Баҳоси шартнома асосида.
“Yetakchi nashriyoti”, 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
“Mehr-nuri nashriyoti” УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Олий таълимда ўқитувчилар

юкламасини ҳисоблашнинг хорижий тажрибаси

ISBN 978-9910-9622-9-5